

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

22 Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил 11 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2312

(2012 йил 21 январдан кучга кирази)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон), Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 232-модда) 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 15-16-сон, 109-модда) мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлиги **қарор қиладилар:**

1. Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Иқтисодиёт вазирлигининг 2005 йил 3 августдаги 61, 2005-40 ва 60-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1524, 2005 йил 28 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 47-48-сон, 359-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
80-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
2011-34-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2011 йил 12 декабрь,
14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Иқтисодиёт вазирлигининг 2011 йил
12 декабрдаги 80, 2011-34, 14-сон қарорига
ИЛОВА

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни
жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини
қўллаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги ПФ-3594-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбат-

лантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 15-16-сон, 109-модда) мувофиқ, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган корхоналар учун солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзларни қўллаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ, мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган тармоққа мансублик тасниф кўрсаткичига (ХХТУТ коди) тааллуқли бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этувчи корхоналар қуйидагиларни тўлашдан озод этилади:

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини;

мол-мулк солиғини;

ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини;

ягона солиқ тўловини;

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни.

2. Тармоққа мансублик тасниф кўрсаткичига (ХХТУТ коди) тааллуқли бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарга ҳисобот йили якунига кўра тармоққа мансублик тасниф кўрсаткичига (ХХТУТ коди) тааллуқли бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришдан тушумнинг улуши реализациянинг умумий ҳажмида 60 фоиздан кам бўлмаган корхоналар киради.

3. Мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзлар мазкур Низомнинг 1-иловасида кўрсатилган тармоққа мансублик тасниф кўрсаткичига (ХХТУТ коди) тааллуқли бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган бутун корхонага татбиқ этилади.

4. Мазкур Низомнинг 10, 14 ва 15-бандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармонининг 1-банди биринчи хатбошиси билан назарда тутилган имтиёзлар татбиқ этилган корхоналарга ҳам татбиқ этилади.

5. Мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган солиқ имтиёзлари:

а) тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларнинг ҳажми қуйидагиларга тенг (эквивалент) бўлганда тақдим этилади:

300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача — 3 йил муддатга;

3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ долларигача — 5 йил муддатга;

10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга;

б) қуйидаги шартлар асосида қўлланилади:

мазкур корхоналарни ортиқча ишчи кучи бўлган минтақалар — Қора-

қалпоғистон Республикаси, Жиззах, Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятларида, шунингдек Навоий, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг қишлоқ аҳоли пунктларида жойлаштириш;

хорижий инвесторлар томонидан тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни Ўзбекистон Республикасининг кафолати берилмаган ҳолда амалга ошириш;

корхонанинг устав капиталида хорижий иштирокчиларнинг улуши камида 50 фоизни ташкил этиши лозим;

корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни киритиш;

хорижий инвестицияларни эркин алмаштириладиган валюта ёки янги замонавий технологик ускуна тарзида қўйиш;

мазкур имтиёзларнинг қўлланилиши муддати давомида имтиёзлардан олинган даромадни корхонани янада ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтириш;

в) кейинги қонун ҳужжатларида инвестициялаш шарт-шароитлари ёмонлашган тақдирда қанча муддатга берилган бўлса, ана шу муддат мобайнида амал қилади.

II. Солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзларни қўллаш

6. Мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзларнинг тақдим этилиши учун белгиланган мезонларга мувофиқ келадиган корхоналар давлат рўйхатидан ўтказилган санадан бошлаб солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади.

Агар корхона мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзларни тақдим этиш учун белгиланган мезонларга ушбу корхона барпо этилгандан (давлат рўйхатидан ўтказилганидан) кейинги даврларда мувофиқ келса, ушбу корхона имтиёзларни тақдим этиш учун белгиланган мезонларга мувофиқлигини тасдиқловчи ҳолатлар юзага келган санадан бошлаб имтиёзни қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Бунда, имтиёздан фойдаланиш муддати ҳисоблаш имтиёзни қўллаш учун корхона белгиланган мезонларга мувофиқ келадиган ҳолатлар юзага келган санадан бошлаб бошланади, бироқ имтиёзларни қўллаш бошланган санадан бошлаб етти йилдан кўп бўлмаган муддатга.

7. Имтиёзга доир ҳуқуқ фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланган муддатларда устав капиталларини (фондларни) шакллантирган корхоналарга тақдим этилади. Бунда корхона мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзларни ўз устав капиталини (фондини) шакллантириши лозим бўлган қонун ҳужжатларида назарда тутилган давр учун қўллаш ҳуқуқига эга бўлади.

Ўз устав капиталларини (фондларини) қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда шакллантирмаган корхоналарда, қонун ҳужжатлари билан

белгиланган муддатларда ўз устав капиталларини (жамғармаларини) шакллантирмаган, чет эл инвестициялари қатнашган корхоналардан солиқларни ундириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 1144, 2002 йил 27 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 йил, 10-сон) мувофиқ имтиёзлар тақдим этилган солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлиқ миқдорда ва фаолиятнинг бутун даври учун имтиёзларни қўлламасдан тўлаш бўйича мажбуриятлар юзага келади.

8. Солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзларни тақдим этиш натижасида олинган даромад, уларни қўллаш муддати мобайнида, корхонани янада ривожлантириш мақсадида такрорий инвестициялашга йўналтирилади. Бунда такрорий инвестициялаш деганда тақдим этилган имтиёзлар натижасида олинган даромадни муассислар ўртасида тақсимламасдан корхонани ривожлантиришга йўналтириш тушунилади. Тақдим этилган имтиёзлар натижасида олинган даромад деганда солиқ солишдан озод қилиш натижасида маблағларнинг бўшаши ҳисобига олинган иқтисодий наф (корхона тасарруфида қоладиган фойданинг кўпайиши) тушунилади.

9. Агар корхона ҳисобот йили якуни бўйича мазкур Низомнинг 1-илоvasида кўрсатилган тармоққа мансублик тасниф кўрсаткичига (ХХТУТ коди) тааллуқли бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашмаса, у ушбу ҳисобот даври учун мазкур Низомда белгиланган имтиёзларни қўлламаган ҳолда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлайди.

Корхона мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзларни тақдим этиш учун белгиланган талабларига мос келмай қолиш фактлари аниқланганда, корхона белгиланган талабларга мос келмаган давр учун солиқлар ва мажбурий ажратмалар умумбелгиланган тартибда, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган молиявий санкцияларни қўллаган ҳолда тўланади.

Бунда, агар мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланувчи корхонада имтиёзларни қўллаш даврида киритилган тўғридан-тўғри хусусий инвестициялар суммаси камаймаган ҳолда хорижий инвесторнинг улуши корхонанинг устав фондида 50 фоиздан камайса, шунингдек Низомда белгиланган бошқа талабларга мувофиқлиги сақланса, бундай корхоналар учун имтиёзларнинг амал қилиши сақланади.

10. Корхоналарга тақдим этилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёзларни расмийлаштириш ва бухгалтерлик ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1463, 2005 йил 2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 14-сон, 105-модда) билан тартибга солинади.

11. Хорижий инвестор томонидан имтиёзларнинг амал қилиш муддати мобайнида фойдани репатриация қилиш ва капитални олиб чиқиб кетиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда фойдани репатриация қилиш ва

капитални хорижий инвестор томонидан олиб чиқиб кетиш фақат фойдани репатриация қилиш ва хорижий инвестор томонидан капитални олиб чиқиб кетишдан олдинги давр учун тақдим қилинган имтиёзлар суммаси бюджетга қопланганидан кейингина амалга оширилади.

Имтиёзлар олган корхонанинг фаолияти улар тақдим этилган муддат тугашидан кейин бир йилдан камроқ вақтда тугатилган тақдирда фойдани репатриация қилиш ва хорижий инвесторнинг капитални хорижга олиб чиқиб кетиш фақат бюджетга тақдим этилган имтиёзларнинг суммалари қопланганидан кейингина амалга оширилади.

III. Солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича имтиёзларни тақдим этиш

12. Мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлаш учун корхона рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солиқ хизмати органини ёзма равишда имтиёзларни қўллаш санаси бошланиши ҳақида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда хабардор қилади:

адлия органлари томонидан берилган, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида гувоҳноманинг нусхаси;

инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг қафолатини тақдим этмасдан амалга ошириладиганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тасдиқномаси.

Янги ташкил этиладиган корхона, юқорида айtilган ҳужжатларга қўшимча тарзда, йил мобайнида корхонани рўйхатдан ўтказган адлия органининг унинг тўлиқ шакллантирилган устав капитали (фонди) ва корхонанинг устав капиталида (фондида) хорижий инвесторнинг улуши тўғрисида тасдиқнома тақдим этади.

13. Давлат солиқ хизмати органлари тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилгандан кейин мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзлар татбиқ этиладиган корхонани имтиёзларга эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар реестрига киритиб, унда корхонанинг номи, имтиёзли давр муддати ва имтиёзлар суммасини кўрсатади.

14. Мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзлар татбиқ этиладиган корхоналар, ҳисобот йили якуни бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш билан бир вақтда, давлат солиқ хизмати органларига мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда Солиқлар ва Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар бўйича татбиқ этилган имтиёзлар суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этади.

15. Мазкур Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёзларни қўллаш ҳуқуқи йўқотилган тақдирда корхона солиқ даври мобайнида рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органини мазкур Низомнинг 4-иловасига

мувофиқ шаклда имтиёз ҳуқуқи йўқотилган сана тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Имтиёзларга эга бўлган корхоналар йиғма реестрини юритади ва ҳар йили уни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 апрелигача бўлган муддатда тақдим этади.

IV. Яқуний қоидалар

17. Солиқ тўловчилар тақдим этилган имтиёзларни ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўғри ҳисоблаб чиқариш учун жавобгар бўлади.

18. Мазкур Низомда назарда тутилган имтиёзларнинг тўғри қўлланиши устидан назоратни давлат солиқ хизмати органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

19. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

*Ташқи иқтисодий алоқалар,
инвестициялар ва савдо вазири*

Р. ГУЛЯМОВ

2011 йил 9 декабрь

*Давлат статистика
қўмитаси раиси*

Б. ТЎРАЕВ

2011 йил 9 декабрь

*Савдо-саноат
палатаси раиси*

А. ШАЙХОВ

2011 йил 9 декабрь

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий
инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар
учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб
қилувчи корхоналарга такдим этиладиган имтиёзлар
татбиқ этиладиган иқтисодиёт тармоқларининг
РЎЙХАТИ**

**1. Радиоэлектрон саноати буюмлари ҳамда компьютер ва ҳисоб-
лаш техникасига бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш:**

ХХТУТ:

14322 — электр ўлчов приборларини ишлаб чиқариш (электрон ўлчов приборлари қисмида);

14323 — радио ўлчов приборларини ишлаб чиқариш;

14331 — ҳисоблаш техникалари ва уларга эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш;

14750 — радиосаноат;

14760 — алоқа воситалари саноати;

14771 — электроника саноати (махсус технологик ускуналарни ишлаб чиқариш кирмайди);

14772 — махсус технологик ускуналарини ишлаб чиқариш (назорат-синов ускуналари қўшилган ҳолда).

2. Енгил саноат:

Тайёр ип газлама ва жун газламаларни ишлаб чиқариш.

ХХТУТ:

17116 — ип газлама саноати (қисман, чунки мазкур код йиғирилган ип, иплар, момиқ, техник газламалар ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади);

17121 — жун саноати (аҳоли буюртмалари бўйича гиламлар ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқаришни қўшмаган ҳолда) — (қисман, чунки мазкур код йиғирилган жун, адёл, гиламлар ва гилам буюмларини ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади).

Тайёр тикувчилик, трикотаж, пайпоқ маҳсулотлари ва тўқимачилик галантереясини ишлаб чиқариш.

ХХТУТ:

17141 — тўқимачилик атторлик молларини ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда);

17151 — трикотаж буюмларини ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда);

17210 — тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда).

Терини қайта ишлаш.

ХХТУТ:

17310 — табиий чарм ишлаб чиқариш.

Пойабзал ишлаб чиқариш.

ХХТУТ:

17371 — пойабзал ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда).

Тайёр чарм-галантерея буюмларини ишлаб чиқариш.

ХХТУТ:

17341 — табиий ва сунъий чармдан йўл учун ва галантерея (атторлик) буюмларини ишлаб чиқариш;

17361 — мўйналар ва мўйна буюмларини ишлаб чиқариш (аҳоли буюртмасини қўшмаган ҳолда) — (чармдан кийим-кечак ишлаб чиқариш қисмида).

3. Ипакчилик саноати:

Шойи газламалар ва ипакдан тайёр буюмлар ишлаб чиқариш.

ХХТУТ:

17131 — ипакчилик саноати (қисман, чунки мазкур код йигирилган ипак, шойи иплар ва ҳоказоларни ишлаб чиқаришни ҳам ўз ичига олади).

Бундан ташқари, мазкур гуруҳга 17141, 17151, 17210 кодлари шойи буюмлар қисмида киритилиши мумкин.

4. Қурилиш материаллари саноати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 24 мартдаги ПФ-3586-сон Фармони 1а-илоvasида кўрсатилган янги турларни ишлаб чиқариш.

ХХТУТ:

12170 — ўтга чидамли маҳсулотлар ишлаб чиқариш (ўтга чидамли минерал толали плиталар қисмида);

13142 — полимер материаллардан плёнкалар, қувурлар ва листлар ишлаб чиқариш;

15230 — ёғоч-тахтадан ва ёғоч плиталардан қурилиш деталларини ишлаб чиқариш;

15250 — фанера ишлаб чиқариш;

16120 — асбоцемент буюмлари ишлаб чиқариш;

16162 — қурилишбоп сопол ишлаб чиқариш;

16170 — полимер хом ашёсидан қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш;

16212 — табиий тошдан қопловчи материаллари ишлаб чиқариш;

16222 — сунъий ғовакли тўлдирувчилар ишлаб чиқариш ва табиийларини қайта ишлаш;

16232 — оҳақ, гипс ва бошқа маҳаллий боғловчи материаллар ва улардан маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

16240 — иссиқлик изоляцияси материаллари саноати;

16271 — товар бетон ва қурилиш қоришмасини ишлаб чиқариш;

16273 — бошқа қурилиш материалларини ишлаб чиқариш.

5. Парранда гўшти ва тухумни саноат усулида ишлаб чиқариш:
ХХТУТ:

21241 — тухум ишлаб чиқарувчи паррандачилик;

21242 — гўшт ишлаб чиқарувчи паррандачилик;

21243 — паррандачилик бирлашмалари (гўшт-тухум).

6. Озиқ-овқат саноати:

Маҳаллий хом ашёдан ишлаб чиқариладиган тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари қисмида.

ХХТУТ:

18111 — шакар саноати;

18113 — нон ишлаб чиқариш саноати;

18114 — қандолатчилик саноати;

18115 — макарон саноати;

18121 — ёғ-мой саноати (ювувчи воситаларини ишлаб чиқаришдан ташқари);

18151 — мева-сабзавот саноати (мева-сабзавот консерваларини ишлаб чиқаришларсиз);

18152 — мева-сабзавот консерваларини ишлаб чиқариш;

18191 — озиқ-овқат концентратларини ишлаб чиқариш (тайёр маҳсулот қисмида).

7. Гўшт ва сут маҳсулотларининг тайёр турларини, пишлоқ ва сарийёғ ишлаб чиқариш:

ХХТУТ:

18211 — гўшт саноати (елимжелатин саноатисиз);

18221 — ёғ-пишлоқ, пишлоқ ва сут саноати (сут консерваларини ишлаб чиқаришсиз);

18222 — сут консерваларини ишлаб чиқариш.

8. Кимё-фармацевтика саноати:

Дори-дармон воситаларини ишлаб чиқариш.

ХХТУТ:

19310 — кимё-дориворлик (фармацевтика) саноати.

Синтетик кир ювиш воситалари, маиший кимё товарларини ишлаб чиқариш.

ХХТУТ:

13190 — маиший кимё саноати;

18122 — совун ва ювувчи воситаларини ишлаб чиқариш (кимёвий модификацияланган маҳсулот қисмида).

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий
инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар
учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни
жалб қилувчи корхоналарга тақдим этиладиган солиқ
имтиёзларини қўллаш тўғрисида
ХАБАРНОМА**

_____ жойлашган
(почта индекси, шаҳар (туман, овул), кўча номи ва уй (квартира) рақами)

_____ фаолиятини амалга оширувчи
(асосий (соха) фаолият тури)

_____ юридик шахс,
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Сизни _____ дан Ўзбекистон Республикаси Президентининг
(сана)

2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш ҳақида хабардор қилади.

Хабарномага илова қилинадиган ҳужжатлар:

адлия органлари томонидан бериладиган чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

инвестициялар Ўзбекистон Республикасининг кафилигисиз амалга ошириладиганлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тасдиқномаси.

_____ га тақдим этилади.
(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

**Солиқ тўловчи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)
3. СТИР
4. ХХТУТ
5. Телефон: код рақам

| Ушбу хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман | Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади |
|--------------------------------------------------------------------------------------|-----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Раҳбар | Мазкур хабарнома (кераклигига «V» белгиси қўйилсин) |
| СТИР | <input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда |
| Ф.И.Ш. | |
| Имзо | <input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта орқали орқали |
| Бош бухгалтер | |
| СТИР | <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> варақда тақдим этилган |
| Ф.И.Ш. | Тақдим <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> этилган сана (кун/ой/йил) |
| Имзо | |
| Сана | Ф.И.Ш. _____ Имзо _____ |

М.Ў.

Изоҳ: мазкур хабарнома солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига икки нусхада тақдим этилади. Давлат солиқ хизмати органи хабарноманинг бир нусхасига қабул қилинганлиги ҳақида белги қўяди ва иккинчи нусхасини кейинги кундан кечиктирмай аризачига қайтади.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
З-ИЛОВА

_____ га тақдим этилади
(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

**Солиқлар ва Республика йўл жамғармасига
мажбурий ажратмалар бўйича татбиқ этилган
имтиёзлар суммаси тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

(ҳисобот даври)

| Тўлов номи | Имтиёз суммаси (млн сўм) |
|----------------------------------------------|-----------------------------|
| ЖАМИ | |
| шу жумладан: | |
| 1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи | |
| 2. Мол-мулк солиғи | |

| Тўлов номи | Имтиёз суммаси |
|-------------------------------------------------------------------|----------------|
| 3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи | |
| 4. Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови | |
| 5. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар | |

(млн сўм)

Солиқ тўловчи тўғрисида МАЪЛУМОТ

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)
3. СТИР
4. ХХТУТ
5. Телефон: код рақам

| Ушбу хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман | Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Раҳбар | Мазкур маълумотнома (кераклигига «V» белгиси қўйилсин) |
| СТИР <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> | |
| Ф.И.Ш. _____ | <input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда |
| Имзо _____ | <input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта |
| Бош бухгалтер | орқали _____ орқали _____ |
| СТИР <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> | <input type="checkbox"/> _____ варақда тақдим этилди |
| Ф.И.Ш. _____ | Тақдим <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> |
| Имзо _____ | этилган сана _____ (кун/ой/йил) |
| Сана <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> <input type="text" value=""/> (кун/ой/йил) | Ф.И.Ш. _____ |
| | Имзо _____ |

М.Ў.

Тўғридан-тўғри хусусий хорижий
инвестицияларни жалб қилувчи корхоналар
учун солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни
жалб қилувчи корхоналарга тақдим этиладиган солиқ
имтиёзларга ҳуқуқ йўқотилганлиги тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

_____ жойлашган
(почта индекси, шаҳар (туман, овул), кўча номи ва уй (квартира) рақами)

_____ фаолиятини амалга оширувчи
(асосий (соҳа) фаолият тури)

_____ юридик шахс,
(юридик шахснинг тўлиқ номи)

Сизни _____ дан Ўзбекистон Республикаси Президентининг
(сана)

2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий ин-
вестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тад-
бирлар тўғрисида»ги Фармонида назарда тутилган солиқ имтиёзларини қўлла-
ши ҳуқуқини йўқотганлиги тўғрисида хабардор қилади.

_____ га тақдим этилади.
(солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органи)

**Солиқ тўловчи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

1. Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома
2. Ташкил этилган сана (кун/ой/йил)
3. СТИР
4. ХХТУТ
5. Телефон: код рақам

| Ушбу хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг ишончлиги ва тўлиқлигини тасдиқлайман | Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади |
|------------------------------------------------------------------------------------|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
| Раҳбар | Мазкур хабарнома (кераклигига «V» белгиси қўйилсин) |
| СТИР | |
| Ф.И.Ш. | <input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда |
| Имзо | |
| Бош бухгалтер | <input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта |
| СТИР | орқали орқали |
| Ф.И.Ш. | <input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди |
| Имзо | |
| Сана | Тақдим <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> |
| | этилган сана (кун/ой/йил) |
| | Ф.И.Ш. _____ |
| | Имзо _____ |

М.Ў.

Изоҳ: мазкур хабарнома солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органига икки нусхада тақдим этилади. Давлат солиқ хизмати органи хабарноманинг бир нусхасига қабул қилинганлиги ҳақида белги қўяди ва иккинчи нусхасини кейинги кундан кечиктирмай аризачига қайтаради.